



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR
MILLIY AGENTLIGI**

100015, Toshkent shahri, Nukus ko'chasi, 22-uy
Tel: +99871 231-79-09
e-mail: napp@exat.uz; info@napp.uz

02/18-2-2-1053-son

2023 у. “09” 11

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Сизнинг 2023 йил 12 октябрдаги “Сауво Capital” компанияси фаолияти бўйича йўллаган мурожаатингизни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият — қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича лицензияланадиган ёки ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширилади, ушбу Қонуннинг 28, 29 ва 31-моддаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Чет эл ташкилоти томонидан қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият янги юридик шахсни — қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисини ташкил этиш ёхуд фаолият кўрсатаётган юридик шахснинг — қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг устав капиталида иштирок этиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан Агентлик қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича тадбиркорлик субъектларига қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия беради ҳамда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилар реестрини юритади.

Мурожаатингизда кайд этилган “Сауво Capital” компанияси Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий фонд биржасида фаолият олиб бормади ва қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга эмас.

**Директорнинг
биринчи ўринбосари**

В. Пак

ижрочи: С.Худайбердиев
телефон: 71 231-63-93
e-mail: s.khudayberdiev@napp.uz